

АТ «Алоқабанк» Кузатув
кенгаши йиғилишининг
2020 йил 28 ноябрдаги
___-сонли баённомасига
_____ - илова

АТ «АЛОҚАБАНК»
фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича
2021 йил учун
БИЗНЕС - РЕЖАСИ

Тошкент – 2020 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ.....	3
1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар	3
2. Банк тизими ҳолати таҳлили	4
3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати	5
II. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	7
1. Банк инфратузилмасини ривожлантириш	7
2. Мижозлар базаси	7
3. Банк активлари ва капитали.....	8
4. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти	9
5. Чакана бизнес фаолияти	10
6. Халқаро иқтисодий муносабатлар	10
7. Рақамли банк хизматларини кенгайтириш	11
8. Банк рискларини бошқариш	12
9. Ходимлар билан ишлаш	13
III. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА).....	14
IV. БИЗНЕС-РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРИШ	14
ИЛОВАЛАР	
1. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун асосий кўрсаткичлари режаси.	
2. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун норматив кўрсаткичлари режаси	
3. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун мўлжалланган молиявий кўрсаткичлар режаси	
4. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун солиқлар ва мақсадли жамғармаларга тўловлар режаси	
5. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун ташқи кредит линиялар/еврооблигациялар жалб қилиш режаси	
6. АТ «Алоқабанк»нинг 2021 йил учун хомийлик ёрдамлари режаси	

КИРИШ

«АТ «Алоқабанк» фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2021 йил бизнес режа»си (кейинги ўринларда «Бизнес-режа» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, АТ «Алоқабанк» (кейинги ўринларда «Банк» деб юритилади) Устави ва ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур бизнес-режа иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати ва инфляция таргетлаш бўйича кутилмалар, банк стратегияси ва асосий ривожланиш йўналишларидан келиб чиққан ҳолда 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадиган молиявий режа ҳисобланади.

Бизнес-режанинг асосий вазифаси Банк акциядорлари ва Кузатув кенгаши томонидан Банк олдига қўйилган яқин истиқболга мўлжалланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда Банк мижозларига қулай, жозибадор ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш юзасидан ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилаш, мақсадли кўрсаткичларни аниқлаштириш ҳисобланади.

Банкнинг стратегиясига мувофиқ 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичлари қуйидаги **асосий йўналишлар** ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди:

1. Банкнинг дастурий таъминоти тизимини (АБС) янгилаш.
2. Банкни хусусийлаштиришга тайёрлаш ва Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.
3. Хизмат кўрсатиш марказлари географиясини кенгайтириш.
4. Банк томонидан рақамли банк хизматларини кенгайтириш.
5. Банкнинг янги процессинг марказини ташкил этиш.

Маълумки, глобал миқёсда давом этаётган коронавирус пандемияси халқаро ва миллий иқтисодиётда инқирозли ҳолатнинг келтириб чиқарди. Мазкур Бизнес-режада келгуси йил давомида пандемиянинг Банк фаолиятига эҳтимолий таъсири оптимистик ёндашув асосида баҳоланди.

Банк томонидан халқаро «Moody's» рейтинг компаниясининг барқарор рейтинг баҳоларини олишга мунтазам равишда эришиб келинмоқда. Жумладан, «Moody's» рейтинг компанияси 2020 йилнинг февраль ойида Банк рейтингини қайта тасдиқлаб:

- миллий валютадаги депозитлар бўйича – **B1/NP**;
- хорижий валютадаги депозитлар бўйича – **B2/NP**;
- барча рейтинглар бўйича – **«Барқарор»** баҳосини берди.

Шу билан бирга «Ахбор-рейтинг» миллий рейтинг компанияси томонидан жорий йил июл ойида «uzA+» (Юқори) кредитга лаёқатлилиқ рейтинги берилди.

Банк ишончли ва молиявий барқарор, мижозга йўналтирилган сифатли банк хизматларини кўрсатувчи молиявий институт сифатида фаолиятини амалга оширади.

I. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар

Бутун дунё иқтисодий инқирознинг янги тўлқинини бошдан кечирмоқда. Шу сабабли ҳам дунёдаги аксарият мамлакатларда иқтисодий пасайиш юз берди. Мамлакатимизнинг 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда минимал ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

2020 йилнинг январь-сентябр ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **408 296,6 млрд.** сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **100,4 фоизни** ташкил этди. Глобал пандемия ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш учун киритилган карантин чекловлари натижасида иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган беқарор ўсиш кўрсаткичлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,4 %, (ЯИМдаги улуши - 25,7%), саноат - 97,3 % (ЯИМдаги улуши - 26,3 %), қурилиш - 108,6 % (ЯИМдаги улуши - 6,9 %), савдо, маиший хизматлар – 98,7 % (ЯИМдаги улуши - 6,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 98,2 % (ЯИМдаги улуши - 6,7 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 100,0 % (ЯИМдаги улуши - 19,9 %) ни ташкил қилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг 2020 йил январь-сентябрь ойларидаги ўзгариш динамикаси

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш, фоизда
1.	Ялпи ички маҳсулот	100,4
2.	Саноат	97,3
3.	Қишлоқ хўжалиги	103,4
4.	Асосий капиталга инвестициялар	91,3
5.	Хизматлар, жами	101,8
6.	Қурилиш	108,6
7.	Ташқи савдо айланмаси	88,0

2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида, ЯИМ таркибида, товарлар ишлаб чиқаришда 240,3 трлн. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида – 136,4 трлн. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, маҳсулотларга соф солиқлар эса 31,6 трлн. сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМ ўсиши 2019 йилнинг январь-сентябридаги 5,9 фоиз ва 2018 йилнинг январь-сентябридаги 5,7 фоизга нисбатан 0,4 фоизгача секинлашди. Шу билан бирга, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019 йил январь-сентябридаги 118,5 фоиз ва 2018 йилнинг январь-сентябридаги 130,5 фоизга нисбатан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 111,8 фоизгача секинлашиш кузатилади. Кузатилаётган даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган

номинал ЯИМ ҳажми 41 072,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2019 йил январь-сентябрида - 42 220,1 млн. АҚШ доллари).

2. Банк тизими ҳолати таҳлили

2020 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банкларнинг жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22,3 трлн. сўм ёки 65,1 фоизга ўсиб, 56,5 трлн. сўмни** ташкил этди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **42,5 трлн. сўм ёки 14,6 фоизга ўсиб, 333,4 трлн. сўмни** ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бутун дунёда юз берган эпидемиологик танглик ва унинг натижасида жорий этилган карантин чекловлари иқтисодиётнинг реал секторидаги фаоллик пасайиши билан банкларни мижозлари молиявий ҳолатига ва бу орқали албатта, банк тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. 2020 йилда Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоизга пасайтирилиши, иқтисодий ўсиш ва инфляцияни жиловлаш бўйича ижобий кутилмалар банк тизими барқарорлигининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Бутун дунёда давом этаётган инқирозли иқтисодий вазиятга қарамасдан мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизимида нисбатан ўсиш кузатилмоқда.

Хусусан, ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26,0 трлн. сўм ёки 11,1 фоизга** ошиб, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **260,7 трлн. сўмни** ташкил этди.

Иқтисодиётда банкдан ташқари айланмалар миқдорини камайтириш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, банкларнинг жами депозитлари миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,2 трлн. сўм ёки 13,3 фоизга** ошиб, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **103,5 трлн. сўмни** ташкил этди.

3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати

Банкнинг 2020 йилнинг 9 ойлик фаолияти банк кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврида нисбатан **110,5** фоиз, хусусий капитали **117,8** фоиз, даромадлари **107,7** фоизга ошди.

2-жадвал

Банкнинг банк бозордаги ўрни

№	Кўрсаткич	01.10.2019		01.10.2020	
		Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни	Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни
1.	Активлар	7 291,2	9-ўрин	8 056,9	10-ўрин
2.	Кредит портфели	5 817,5	9-ўрин	5 572,3	11-ўрин
3.	Устав капитали	884,0	9-ўрин	953,6	9-ўрин
4.	Хусусий капитал	1 272,8	8-ўрин	1 499,0	9-ўрин
5.	Даромадлар	980,8	9-ўрин	1 055,9	9-ўрин
6.	Соф фойда	146,2	8-ўрин	100,1	12-ўрин

Банкни стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида банк хизматлари тармоғини кенгайтириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Банк мижозларга **14** та ҳудудий таркибий бўлинма, **77** та комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари, **125** та банкомат, **112** та инфокиоск, **12 082** та терминал, **7 126** та «EPOS» терминал, «Aloqamobile» ва «Zoomrad» мобил иловаси, Интернет банкинг, «Aloqabusiness» мобил иловаси, Call-центр ва Банк веб-сайти каби каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давр давомида банк даромадлиги ва молиявий барқарорлигининг узвийлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, банк даромадлиги ва ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатувчи молиявий инструментлардан фаол тарзда фойдаланилди. Натижада, ҳисобот санасида банкнинг даромад келтирувчи ва юқори ликвидли активлари – Банкнинг Ҳукумат ва Марказий банк қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари миқдори **325,9** млрд. сўм бўлиб, ўтган йилга (**57,7** млрд. сўм) нисбатан **268,2** млрд. сўм ёки **4,6 баробарга** ошган.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига Банкнинг хусусий капитали **1 499,0** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 272,8** млрд. сўм) нисбатан **226,2** млрд. сўм ёки **17,8** фоизга ошди.

Ҳисобот даврида Банк томонидан активларни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилишига, шу орқали банк активлари ва мажбуриятларини муддат жиҳатдан мувофиқлаштиришга асосий урғу берилди. Натижада банк балансида барқарор ва узоқ муддатли ресурслар, яъни жалб қилинган узоқ муддатли кредитлар ва хорижий кредит линиялари 2020 йил 1 октябрь ҳолатига **657,0** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**452,8** млрд сўм) нисбатан **204,2** млрд. сўмга ёки **45,1** фоизга ўсишига эришилди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига Банкнинг жами мажбуриятлари **6 557,5** млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**6 018,4** млрд. сўм) нисбатан **539,1** млрд. сўм ёки **9,0** фоизга ўсди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кредит портфели **5 572,3** млрд. сўмни ташкил қилди.

Кредит портфелининг таркибига қарайдиган бўлсак:

➤ Юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлар **2 693,8** млрд. сўмни ёки портфелнинг **48,3** фоизини ташкил қилди;

➤ Хорижий валютада ажратилган кредитлар **1 882,3** млрд. сўмни ёки портфелнинг **33,8** фоизини ташкил қилди;

➤ Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар **996,2** млрд. сўмни ёки портфелнинг **17,9** фоизини ташкил этди.

2020 йил 9 ойлик яқунлари бўйича олинган банк даромади **1 055,9** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига (**980,8** млрд. сўм) нисбатан **75,7** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **107,7** фоизни ташкил этди.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига Банк харажатлари **955,8** млрд. сўмни ташкил этиб, **100,1** млрд. сўм миқдорида соф фойда олинди.

II. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Банк инфратузилмасини ривожлантириш

2021 йилда Банкнинг структураси бутунлай янгиланиб, хизмат кўрсатиш хажми ва сифати янги босқичга олиб чиқилиши режалаштирилган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида банк хизматларини кўрсатиш марказларини (каналлар) кенгайтириш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулай ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, чакана бизнес учун янги йўналиш – маҳсулотларни агентлик шартномаси асосида ҳамкор ташкилотлар орқали сотиш амалиётини жорий этилиши режалаштирилган.

Рақамли банк хизматларини кенгайтириш ва онлайн экотизимни жорий қилиш борасида ишларни амалга оширилиши орқали банкнинг 2021 йилда онлайн каналлар ҳисобига банк хизматларини сотиш ҳажмини ошириш режалаштирилган.

2. Мижозлар базаси

Банк хизматларини кўрсатишда мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш ва мижозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга сифатли, қулай банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф этиш 2021 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий стратегик йўналиш сифатида белгиланди.

Банк томонидан замонавий ахборот технологиялари ва инновациялардан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини жорий қилиш, банк хизматларини автоматлаштириш, янги хизмат турларини жорий қилиш орқали мижозларга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш Банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди. банк томонидан:

- банк хизматлар кўрсатишни автоматлаштириш, мижозларнинг банкка ташрифини камайтириш, банк хизматларини мижозларга етказишни соддалаштириш ва очиқлилигини таъминлаш ҳамда ҳудудларда хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш;

- янги хизмат турларини, хусусан модулли банк маҳсулотларини, онлайн хизматлар кўламини кенгайтириш, пировардида амалда мавжуд мижозларни сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилиш;

- юридик ва жисмоний шахс мижозларнинг барча эҳтиёж ва талабларини Банкнинг маҳсус платформасида амалга ошириш имконини яратадиган экотизим жорий қилиш орқали мижознинг барча молиявий, транзакциявий, турмуш тарзидаги истеъмолини бир тизимга бирлаштириш натижасида мижозлар генерациясини жорий қилиш;

- аввал банк хизмати ёки маҳсулотларидан фойдаланган мижозларга, қўшимча хизмат ва маҳсулотлар таклиф қилиш амалиётини жорий қилиш орқали мижозларни кўпроқ Банкнинг молиявий ва номолиявий хизматларидан фойдаланишга

рағбатлантириш ҳисобига мижозларга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш Банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Банкнинг мижозлар базасини ошириш ва мижоз базасини самарали бошқариш, улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилади:

- мижозларнинг банк хизматларидан қониқиш даражасини доимий кузатиб бориш ва банк маҳсулотлари истеъмолида салмоқли ўрин тутувчи мижозлар сегменти билан ишлашнинг имтиёзли тартиби амалиётга жорий этилади;

- Банкнинг барча хизмат кўрсатиш марказлари автоматлаштирилган электрон қурилмаларни (электрон навбат, маълумотлар ва интерактив хизматлар кўрсатиш ойнаси ва ҳ.к.) кенг жорий этиш;

- мижозларнинг ягона базасини шакллантирган ҳолда улар билан муносабатларни тизимлаштириш мақсадида CRM дастурини жорий этиш;

- мижозларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатишни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш;

- истеъмолчини қаноатлантириш индекси (CSI) ҳамда истеъмолчининг содиқлиги индекси (NPS) асосида банк хизматлари сифатини баҳолаш тизимини жорий қилиш;

- Банк фаолиятининг рационал даромадлигини ҳисобга олган ҳолда банк хизматлари жозибадорлигини ошириш, янги мижозларни жалб этиш мақсадида тариф сиёсатини мақбуллаштириш;

- ISO 9001:2015 стандарти талаблари асосида банк хизматлари сифатини назорат қилиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолашни жорий этиш.

3. Банк активлари ва капитали

Банк риск-аппетити ва потенциал рискларни ҳисобга олган ҳолда активларни бошқариш молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлилик ва даромадлиликни энг мақбул даражасига эришилади ҳамда Банк таваккалчиликларини оқилона бошқариш ишлари давом эттирилади.

2021 йилда Банк активларини – **12 000,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилиб, жами активлар таркибида даромад келтирувчи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капиталнинг монандлигига қўйилган талабларга риоя қилиш мақсадида режалаштирилаётган йилда олинадиган соф фойда ва 400 млрд. сўм акцияларни эмиссия қилиш ҳисобига Банк хусусий капиталини 2021 йил якунида **2 139,0** млрд. сўмга етказиш кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини 2021 йилда камида **40,0** фоиз миқдорида ошириш режалаштирилди.

4. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти

2021 йилда Банк тармоғи ва хизмат кўрсатиш географиясининг сезиларли даражада кенгайиши ҳисобига банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, ушбу корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2021 йилда кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини асосан Банкнинг Комплекс хизматлар кўрсатиш марказларининг кредитлаш амалиётини фаоллаштириш орқали ошириш, бунда, Банкда мавжуд ҳамда янги жорий қилинадиган кредит маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни корпоратив мижозлар ва кичик бизнес субъектларига доимий равишда етказиб бориш кўзда тутилган.

Банк томонидан пандемия даврида молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарни қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш, бунда корхоналарнинг иш фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида айланма маблағларни тўлдириш учун, зарур ҳолларда иш ҳақи тўловлари учун кредитлар ажратишни жадаллаштириш режалаштирилган.

Банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларга 2021 йил мобайнида **3 200,0** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилишини таъминлаб, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдиғини 2021 йил якунига қадар **6 200,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

Шунингдек, Банкнинг янги ташкилий тузилмасига асосан, **андеррайтерлар** фаолияти ташкил қилиниб уларнинг ваколат даражалари ҳамда функционал вазифалари аниқ белгилаб берилади.

Андеррайтерлар ўз ваколатлари доирасида ортиқча расмиятчиликларсиз ҳамда Бош банк ёки Кредит комиссияларининг аралашувисиз кредит ажратиш юзасидан мустақил қарор қабул қиладилар.

Автоматлаштирилган дастурий тизим ёрдамида амалга ошириладиган скоринг ва рейтинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда модулли кредитларни ажратиш жараёнида нафақат кредит комиссиялари, балки андеррайтерлар аралашуви ҳам талаб қилинмайди.

Мижозларга масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш мақсадида, «Aloqa Business» мобил иловаси орқали юридик шахсларга модулли кредитларни («Онлайн микрокредит», «Онлайн автокредит», «Онлайн айланма маблағ») амалиётга жорий қилиш кўзда тутилган.

Банкнинг барча ҳудудий таркибий бўлинмаларида ташкил қилинган «риск-менежерлар» фаолиятининг самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш юзасидан зарурий чоралар кўрилади.

Жумладан, алоҳида ташкил этиладиган янги таркибий тузилмалар томонидан модулли кредит маҳсулотлари шартларини ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш, сотиш бўйича мижозларнинг мақсадли сегменти билан ишлаш ҳамда кредитларнинг ўз вақтида сўндирилиши билан боғлиқ эҳтимолий рисклар аниқланиб, реал баҳолаб борилади. Банк активларининг барқарор ўсиб бориши билан бирга уларнинг сифатини

доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни режалаштирмоқда:

- кредит портфели сифатини сақлаган ҳолда инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини мақсадли ошириб бориш;

- юқори самарали, яъни ЯИМнинг ўсишини таъминловчи, сифатли (доимий) иш жойларини яратувчи, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, энергия тежамкор, аниқ таргетланган бозорга мулжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи лойиҳаларни аниқлаш бўйича мукамал тизим яратиш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан жалб қилинадиган кредит линиялари ва бошқа молиялаштириш инструментларидан фаол фойдаланиш.

5. Чакана бизнес фаолияти

2021 йилда банк тармоқлари сонининг ортиши, Банкнинг хизмат кўрсатиш географиясининг сезиларли даражада кенгайиши ҳисобига молиявий йил давомида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғини **1 500,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

Чакана бизнес фаолиятини ривожлантириш учун Банк томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- Банкнинг ҳар бир бўғинида хизмат кўрсатиш стандартларини жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;

- пластик карточкалар орқали ҳамда масофадан амалга ошириладиган хизмат турларини кўпайтириш;

- ходимларни рағбатлантириш механизмини Комплекс кўрсатиш марказлари кесимида жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, қайтадан кўриб чиқиш;

- фойдаланиш учун қулай бўлган янги турдаги кредит маҳсулотларини яратиш;

- ўзаро ҳамкорлик асосида ишловчи ташкилотлар сонини янада ошириш;

- кросс-сотувни ташкил этиш орқали банкнинг бошқа хизматларидан фойдаланувчи ишончли мижозларни қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг маиший ва бошқа турдаги эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун жозибадор шартлардаги истеъмол кредитлари ажратишни янада кенгайтириш;

- жисмоний шахсларга кредит ажратилишида скоринг тизимидан фойдаланиш, мижозларнинг пул оқимлари кутилмаси, кредит тарихи, ажратиладиган кредит суммаси ва муддатидан келиб чиқиб кредит баҳосини шакллантиришни амалиётга жорий этиш.

6. Халқаро иқтисодий муносабатлар

2021 йилда мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолият ва валюта муносабатларига доир операциялари бўйича Банкнинг ҳудудий хизмат кўрсатиш марказларида сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳамда ташқи савдо билан боғлиқ операцияларини молиялаштириш учун хорижий линиялар қўламини ошириш устувор вазифалардан этиб белгиланди.

Банк томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни 2021 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- ташқи савдо билан боғлиқ операцияларда рискларни камайтириш имконини берувчи тўлов усулларида фойдаланиш бўйича мижозларга таклифлар бериб бориш ва бу борада ходимлар малакасини ошириш;
- вакиллик муносабатлари ўрнатилган банклар сонини ошириш;
- хорижий давлатларнинг етакчи банкларда хорижий валюталарда ҳисобрақамлар очиш;
- маҳаллий ва хорижий банклар учун Банкда хорижий ва миллий валютада ҳисобварақлар очишни таклиф қилиш ва бу орқали хизмат кўрсатилаётган банклар сонини ошириш;
- ўрнатилган вакиллик муносабатлари тизими орқали мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишлари учун кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш;
- ташқи савдо билан боғлиқ лойиҳаларни қисқа ва узоқ муддатли молиялаштириш учун янги хорижий кредит линияларни жалб қилиш ва мавжудлари бўйича лимитларни ошириш.

2021 йил давомида Банк томонидан халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини ҳамда савдони молиялаштириш линияларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Европанинг етакчи банклари ҳисобланган «ODDO BHF» (Германия), «HELABA» (Германия), «Sparkasse» (Германия), «Credit Suisse» (Швейцария), «UBI Banca» (Италия), «Bank of China» (Хитой), «Agricultural bank of China» (Хитой), «China Eximbank» (Хитой)ларидан умумий 56 млн. АҚШ доллари қийматидаги кредит линияларини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;
- «BAOBAB» инвестицион компаниясидан жалб қилиниши режалаштирилаётган 10 млн. АҚШ доллари қийматидаги кредит линиясини йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳисобига ўзлаштириш;
- Халқаро савдони молиялаштириш Ислом корпорациясининг 6 млн. АҚШ доллари миқдорида савдони молиялаш линиясини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;
- Осиё тараққиёт банки, Азия Инвест банк, «ODDO BHF» (Германия), «HELABA» (Германия), «Sparkasse» (Германия) ва «Commerzbank AG» банкларининг савдони молиялаш бўйича мавжуд лимитларини ошириш.

2021 молиявий йил давомида **56** млн. АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли хорижий кредит линиялари ҳамда **30** млн. АҚШ долларига тенг бўлган савдони молиялаштириш линиясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

7. Рақамли банк хизматларини кенгайтириш

2021 йилда рақамли банк хизматларини ривожлантириш, банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини жорий қилиш, мавжуд хизматларни ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий хизматларга айлантириш, банк даромадлилигини ошириш ҳамда банкни Республиканинг энг илғор банклари қаторидан жой олишини таъминлаш мақсадида қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- «Алиф Моби» оператори билан ҳамкорликда электрон пуллар эмиссиясини йўлга қўйиш;
- халқаро тўлов карталарининг онлайн эквайрингини йўлга қўйиш ҳамда хорижий валютадаги «E-POS» терминаллари тармоғини кенгайтириш;
- «Western Union» халқаро пул ўтказмаларини онлайн тарзда картага кириш қилиш хизматини ишга тушириш;
- Ўзбекистондан чет элга онлайн тарзда халқаро пул ўтказмалари тизимини жорий қилиш;
- мижозларга масофадан туриб электрон ҳамён очиш ва ҳамён орқали онлайн амалиётларни амалга ошириш имкониятларини яратиш;
- алиментлар бўйича ҳисоб-китобларни автоматлаштириш;
- сотувчи ва харидорлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиш ва улар ўртасида ўзаро кооперацияни йўлга қўйишга кўмаклашадиган махсус дастурий тизим – «Маркетплейс» савдо платформасини яратиш;
- мобил-банкнинг орқали хорижий Visa карталарига онлайн пул ўтказмалари – «Visa Direct» тизимини йўлга қўйиш;
- банкда халқаро тўлов тизимлари бўйича процессинг марказини ташкил этиш;
- «Нумо» ва «Uzcard» карталари орқали Россия Федерациясининг Сбербанк, ВТБ банклари (ҳамда Почтабанк бўлинмалари орқали) карталарига онлайн ўтказмаларни (P2P) амалга ошириш;
- масофадан туриб мижозни идентификация қилиш (Face ID орқали) тизимини яратиш ва мижозларни биометрик идентификация қилиш орқали уларга шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз хизмат кўрсатишни жорий этиш;
- хорижий электрон ҳамёнлар билан интеграция қилиш орқали ушбу ҳамёнларни идентификация қилиш, тўлдириш ва Банк томонидан эмиссия қилинган электрон пулларга айирбошлаш имкониятини яратиш;
- «Ўзбекистон Почтаси» АЖ билан ҳамкорликда қуйидаги банк хизматларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилади:
 - халқаро ва маҳаллий пул ўтказмаларини қабул қилиш ва юбориш;
 - электрон ҳамёнларни идентификациядан ўтказиш ва уларни тўлдириш;
 - банк реквизитлари бўйича тўловлар;
 - почта бўлинмалари орқали миллий валютадаги карталарни нақд пулда тўлдириш;
 - почта бўлинмалари орқали миллий валютадаги карталардан нақд пул ечиш.

8. Банк рискларини бошқариш

2021 йил давомида Банк активларининг барқарор ўсиши билан бир қаторда банкда даромадлилик ва қабул қилинадиган риск миқдори ўртасида оптимал мутаносибликни сақлаш мақсад қилинган. Банкда рискларни аниқлаш, баҳолаш ва минималлаштиришни янги сифат босқичига олиб чиқиш, бунда рискларни бошқаришни халқаро Базель III стандартлари ва илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш режалаштирилган.

Банкда рисклар бошқарувини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- портфель рискларини, хусусан кўзда тутилмаган зарарлар даражаси (UL)ни баҳолаш ҳамда кўзда тутилмаган зарарлар (UL)ни қоплаш учун капиталдан ажратмалар амалга оширишни жорий этиш;

- банк маҳсулотлари баҳоси шаклланишида риск қиймати (risk premium), хусусан ликвидлилик rischi қийматини ҳисобга олиш;

- кредит рискларини баҳолашда ҳар бир лойиҳа учун хос бўлган индивидуал рисклар, тармоқ рисклари, қўлланилаётган инструментга хос бўлган рисклар каби кредит rischi қуйи типларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда эксперт ёндашувдан воз кечиш, бунда ҳар бир мижоз учун хос бўлган мижоз томонидан қабул қилинаётган валюта rischi, молиялаштирилаётган инвестицион лойиҳанинг техник иқтисодий деталлари, мижозларнинг бизнес режаси ва кутилаётган пул оқимлари таҳлили каби омиллар таъсирига алоҳида эътибор қаратиш;

- Банкда риск даражаси таҳлилида потенциал риск миқдорини кўрсатувчи индикаторлар (ички рейтинг, PD, Credit VaR ва ҳ.к.)дан фойдаланиш;

- қисқа ва узоқ муддатли ликвидлилик кризиси ёки стресс ҳолатлар учун стратегик ҳаракатлар режаси (тиклаш режаси) ишлаб чиқиш.

9. Ходимлар билан ишлаш

Банк ходимлар салоҳиятини ошириб боришни белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг асосий шарти сифатида кўради. Банк ходимлари меҳнатининг самарадорлигини ошириш, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдига янги мақсад билан бир қаторда бошқа долзарб вазифалар қўйилишини тақозо этади.

Хорижий тажриба ва Базель талабларидан келиб чиқиб, Банкнинг янги структураси ишлаб чиқилиб 2021 йилдан амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилган.

2021 йилда ходимлар малакасини доимий ошириб бориш ва ходимларни муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш жорий этиш муҳим йўналиш сифатида белгиланди. Бунинг учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- ходимлар фаолиятининг самарадорлигини Банкнинг стратегияси, бизнес жараёнлари ва мақсадларни амалга оширилишидан келиб чиқиб KPI кўрсаткичлари асосида баҳолаш;

- Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа таълим муассасалари билан яқин академик алоқаларни йўлга қўйиш;

- МДҲ ва Шарқий Европа давлатларидаги банк ва молия соҳасидаги кўзга кўринган мутахассислари билан режа асосида тренинг, вебкаст ва бошқаларни ташкил этиш;

- Ўқув марказининг ўз онлайн платформасини яратиш ва уни сифатли контент билан бойитиб бориш;

- соҳадаги илғор профессор-ўқитувчилар ҳамкорлигида (шартнома асосида) онлайн ва оффлайн тренинг, вебкаст ва махсус курсларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни видеога ёзиб, платформага юклаб бориш;

- Банкнинг илғор ва тажрибали ходимлари билан ҳамкорликда «Лидерлар лидерларни ўқитади» дастури доирасида тренинглар, курслар, ўқув машғулоти ва вебкастлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни платформага мунтазам жойлаштириб бориш;

- режа асосида Банк ходимлари учун мамлакатимиздаги етакчи психологлар билан ҳамкорликда мотивацион психологик тренинглар ташкил этиш;

- таълимга сармоя киритиш орқали Банк тизимини малакали кадрлар билан бутлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида молия-банк йўналиши бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун Банк стипендиясини жорий этиш.

III. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

2021 йилда Банк олдида қўйилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда банк даромадини **1,25 баробарга** ўсишини таъминлаган ҳолда, **1 547,9** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди. Даромадларнинг **1 180,2** млрд. сўми (76,2 фоизи) фоизли даромадлар, **367,7** млрд. сўми (23,8 фоизи) фоизсиз даромадлардан ташкил топади. Фоизли даромадларнинг асосий қисми, яъни **1 074,8** млрд. сўми, ссуда ва лизинг операцияларидан олинган кўзда тутилган. Фоизсиз даромадларнинг асосий қисмини эса **307,9** млрд. сўми, кўрсатилган хизматлар ва воситачилик операцияларидан олинган даромадлар ташкил этади.

2021 йилда жами **1 277,9** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **642,9** млрд. сўми фоизли харажатлар, **187,2** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **447,8** млрд. сўми амалиёт харажатлари (шундан 28,3 млрд захира, 67,5 млрд фойда солиғи) дан иборат бўлади.

Банкнинг соф фойдаси 2021 йил учун – **270,0** млрд. сўм миқдорида белгиланган.

IV. БИЗНЕС-РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Банк бошқаруви бизнес-режани амалга ошириш учун масъул ижро етувчи орган. Режаларни амалга ошириш учун таркибий тузилма раҳбарлари ўз йўналиши бўйича жавобгардир, ҳудудий таркибий бўлинмалар раҳбарлари бизнес-режанинг белгиланган кўрсаткичларини амалга ошириш учун жавобгардирлар.

Бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида Банк Бошқаруви ҳар чорақда Кузатув кенгашига бизнес-режада белгиланган вазифаларни бажарилиши бўйича ҳисобот тақдим этади.

Бизнес-режанинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида **Colvir MIS** «Бюджетлаштириш» ахборот-таҳлилий бизнес модели ишга туширилди. Ушбу дастур орқали Бизнес-режа кўрсаткичларини шакллантириш, мониторинг ва таҳлил қилиш, ҳисоботлар тайёрлаш Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бизнес режанинг бажарилишини таъминлашнинг асосий воситаси Ҳудудий таркибий бўлинмалар ва комплекс хизмат кўрсатиш марказларининг натижавий кўрсаткичларига кўра KPI тизими асосида рағбатлантирилади. KPI тизими бизнес режани амалга ошириш, шунингдек мониторинг ва назорат қилиш учун қулай восита ҳисобланади.

Бизнес режанинг бажарилишини тизимли назорат ва мониторинг қилиш, банкнинг устувор вазифалари ва асосий мақсадларига эришиш имкони беради.